ЭРГАШТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ХУСУСИДА

Ҳ.Р. ЗОКИРОВА

В статье освещены функции подчинительных союзных средств и их роль в современном литературном узбекском языке

The article studies functions of subordinate conjunctions and their role in Modern Uzbek.

Тил тараққий қилган сари унинг грамматик структураси ҳам тараққий қила боради. Ўз навбатида, грамматик структуранинг тараққиёти эса грамматик формаларнинг, грамматик воситаларнинг ривожланишини тақозо қилади. Грамматик формалар, воситалар жуда ҳам секинлик билан ривожланади.

Икки содда гап ўртасидаги тобе муносабатни юзага чиқарувчи воситалар турли хилдир. Бу эргаштирувчи боғловчи воситалар ҳозирги кунга қадар турлича изоҳланган. Унинг илк илмий изоҳлари XX аср бошларидаги ўзбек тилига оид китобларда учрайди. Н.Остроумов 1910 йилда чиққан «Этимология сартовского языка» китобида боғловчи ва юкламаларни умумий боғловчилар деб атайди ва уларнинг қуйидаги турларини кўрсатади: 1) инкор боғловчилар: *балки, лекин, аммо*; 2) айирувчи боғловчилар: *ёки, ва ёки, ёинки, ё-ё, на-на;* 3) сўроқ, боғловчилари: *-му,(ми)*; 4) шарт боғловчилари : *агар, агарда*; 5) тўсиқсизлик боғловчилари : *агарчи, -гарчандини*; 6) изоҳлов боғловчилари: *-ки, ҳаттоки;* 7) сабаб боғловчилари: *зероки, нечунким, чунки, шул сабабдин, на учунми, шул жиҳатдан;* 8) ажратув боғловчилари: - *магар;* 9) якунлов боғловчилари : *охири, охирда, алқисса, шул тариқа*; 10) ўзбек (сарт) тилида қиёслов (сравнительный союз - как-так, чем-тем) боғловчилари йўқ. [1]

Н.Остроумов боғловчиларни (юкламаларни ҳам) маъноларига қараб саккиз турга ажратган ва бунда рус тилига қиёсан таърифлаган. Кўринадики, Н.Остроумов ўзбек (сарт) тилидаги боғловчиларни ажратишда рус тилини эталон қилиб олади. Ўзбек тилшунослигининг 20-йиллардаги таснифига мувофиқ аффиксал морфемалар «белгилар» деб аталган ва уч гуруҳга ажратиб ўрганилган: 1) айирув белгилари: *-да,-га, билан, учун; бе-,-сиз, -ма, -ми?, -ай, -дош* ; 2) туслов белгилари: *-ди, -иб, -гач, -гали, -гай, -инг, -рок, ва б.*; 3) ясов белгилари: *-ла, -мак, -м, -агон, -тир,-ма*.[2]

Юқоридаги таснифда қўшимча билан юклама ва кўмакчилар, афтидан, умумий вазифаси асосида бир гуруҳга киритилган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, ёрдамчиларни таснифлашда ё уларнинг маъноларига, ё умумий вазифасига қараб гуруҳларга ажратилган, лекин бундай таснифлаш бир ёқламаликка олиб келади. Тил ҳодисасининг асосий моҳиятини очиб беролмайди. Бундай қараш XX

аср бошларидаги маърифатпарварларга ҳам хос эди. Масалан, Фитрат тил борасида етарлича таянч маълумотга эга бўлиб, у "Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба" китобида ҳозирги тилшуносликдаги юклама, боғловчи, кўмакчилар ҳамда модал, ундов сўзлар таркибида ўрганилаётган бирликларнинг ҳаммасини кўмакчи сўзлар атамаси остида бирлаштиради. Бундай сўзлар маъноларига кўра бир неча турга таснифланади: 1) кучайтириш кўмакчилари: *асру, жуда, ҳеч, албатта, асло, сира, энг, буткул, худди; 2)* ўрин кўмакчилари: *ора, ичра, уза, узра; 3)* қаватлов кўмакчилари: *тағин, дахи, билан, -ила, -ла, йана, ҳам, -да; 4)* шарт кўмакчилари: *йўқса, агар, агарчи; 5)* аниқсизлик кўмакчилари: *балким, йо, йоки, йохуд*; 6) орзу кўмакчилари: *кошки, шойад; 7)* хасрат-армон кўмакчилари: *ассиз, афсус, аттанг; 8)* ҳол кўмакчилар: *айниқса, хусусан, умуман, зотан*; 9) нисбат кўмакчиси: *сайин; 10)* чеклаш кўмакчилари: *-гина, -қина, -кина, фақат; 11)* тафсир-изоҳ кўмакчилари: *-ким, -ки; 12)* чиқариш кўмакчилари: *бироқ, лекин; 13)* сабаб кўмакчилари: *учун, чунки; 14)* чама кўмакчиси: *-ча* (йигирматача); 15) туйғу кўмакчилари: *оҳ, уф, ой ва бошқалар*.[3]

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ёрдамчи сўзлар, модал ва ундов сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари фарқланмаган.

Кейинчалик рус тили грамматикасида бўлгани каби ёрдамчи сўз туркуми мустақил сўз туркумларидан алоҳида ажратилиб, уч турга бўлиб ўрганила бошлаган: боғловчи, кўмакчи ва юклама. Бу ҳолат собиқ Иттифоқда бўлган барча миллий тилларга нисбатан татбиқ этилди.

Мактаб дарсликларида ҳам, олий ўқув юрти дарсликлари, илмий адабиётларда ҳам эргаштирувчи боғловчи воситаларни ёрдамчи сўз туркумида, боғловчиларнинг бир тури (эргаштирувчи боғловчи) сифатида ўрганилган. Лекин тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, соф эргаштирувчи боғловчилар мавжуд эмас. Икки содда гапни тобе муносабатда боғлашда эргаштирувчи боғловчи воситаларнинг хизмати ва аҳамияти каттадир.

Мактаб дарсликлари, илмий адабиётлар ва олий таълим дарсликларида ёрдамчи сўзлар морфологияда ўрганилиб, сўз туркумларининг алоҳида бир тури сифатида таърифланади. Бу адабиётларда сўзга ажратишнинг асосий тамойиллари сифатида тушунча ифодалаш, шаклий яхлитлик, фонетик бир бутунлик белгилари кўрсатилади. Агар бу белгиларга жиддий эътибор берадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси мустақил сўзларни ажратишга ёрдам беради. Ёрдамчи сўзлар эса бундай хусусиятга эга эмас.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидан дарслик ва қўлланмаларда, шунингдек, монографияларда эргаштирувчи боғловчиларнинг қуйидаги турлари ва бу турларга оид боғловчилар деб қуйидаги сўзлар қайд этилади: 1) аниқлов боғловчилари: яъни, -ки (ким); 2) сабаб боғовчилари: чунки, шунинг учун; 3) шарт боғловчилари: агар (агарда...), башарти; 4) чоғиштирув боғловчилари: гўё, гўёки.

Бу таснифда боғловчи воситалар маъносига қараб гуруҳларга бўлингандай, аммо эргаштирувчи боғловчи воситалар билдирган маънолар анча кўп бўлиб, юқоридаги тасниф уларни қамраб ололмайди. Шу жиҳатдан эргаштирувчи боғловчи воситаларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш зарурлиги кўринади.

Олий таълим ва мактаб дарсликларидаги эргаштирувчи боғловчиларга берилган таърифларда ҳам ҳар хилликни кўрамиз. Баъзи адабиётларда эргаштирувчи боғловчиларнинг асосий синтактик вазифаси қўшма гап составидаги гапларни боғлаш учун ишлатилади деб таъриф берилса [4], баъзиларда эргаштирувчи боғловчилар эргашган қўшма гаплар таркибидаги тобе гапларни ҳоким гапга боғлаш учун хизмат қилади деб, унинг вазифасини янада торайтириб беради.[5]

Бу дарслик ва қўлланмаларда эргаштирувчи боғловчилар турлари ва уларга оид эргаштирувчи боғловчилар турлича берилган. Гарчи бу адабиётларда эргаштирувчи боғловчилар айрим сўз ёки гапларни бир-бирига тобелаш йўли билан бириктириши учун ишлатилади дейилса ҳам, айрим сўзларни боғлашига мисол келтирилмайди [6.362].

Хатто бу адабиётларда эргаштирувчи боғловчиларнинг миқдори тўғрисида ҳам ягона фикр йўқ. Масалан, баъзи адабиётларда эргаштирувчи боғловчилар 3 та (аниқлов, сабаб, чоғиштирув) [7.113], баъзиларида 4 та (аниқлов, сабаб, шарт, чоғиштирув) [8], баъзиларида эса 5 та (аниқлов, сабаб, чоғиштирув, мақсад ва шарт) [9] деб кўрсатилади.

Кўриб чиқилган адабиётларда аниқлов боғловчилари деярли бир хил (-ки, -ким) берилган бўлиб, ҳоким гапда ифодаланган фикрни аниқлаш учун хизмат қилиши баён қилинган. Бу ҳолат шуни тасдиқлайдики, аниқлов боғловчилари ҳақиқатан ҳозирги ўзбек адабий тилида шу вазифани бажариб келади, аммо аниқлов боғловчиларининг берилишида ҳам маълум фарқли қарашлар мавжуд. Масалан, баъзи адабиётларда аниқлов боғловчилари қаторига *яъни* ҳам киритилса [10], бошқаларида фақат *-ки* боғловчиси берилган [11] (бунда ҳозирги ўзбек адабий тилида *-ким* боғловчисининг фаол ишлатилмаслиги назарда тутилган бўлса керак).

Боғловчиларнинг иккинчи тури деб берилган

сабаб боғловчилари дарслик ва қўлланмаларда сабаб ва натижа, сабаб ва мақсад, сабаб ва восита маъноларини ифодалайди деб таърифланади. Ушбу таърифлардан шуни аниқлашимиз мумкинки, бу боғловчилар ифодалаган асосий маъно сабаб маъносидир, натижа, мақсад, восита каби қўшимча маънолар матн ичида маълум бўлади. Сабаб маъноси асосий, улар учун умумий маъно ҳисобланса, қолганлари фарқловчи маъноларидир.

Сабаб боғловчилари сифатида: *чунки, шунинг учун, негаки, токи, зероки, наинки* каби турлари келтирилади. У.Турсунов, Ш.Раҳматуллаев, Ж.Мухторовлар томонидан ёзилган "Ҳозирги ўзбек адабий тили" китобида *токи* боғловчисини мақсад боғловчиси деб алоҳида турга бўлинган. Сабаб боғловчилари деб берилган *чунки* ва *шунинг учун* боғловчилари деярли ҳамма адабиётларда берилган бўлиб, уларнинг тобе гапни ҳоким гапга боғлаш учун ишлатилиши, сабаб ва натижа маъноларини ифодалаши баён қилинган. Баъзан, қўшма гап составидаги биринчи гап тугалланган гап оҳанги билан айтилганда, у гапдан кейин нуқта қўйилиб, бу боғловчилар кейинги гапнинг бошида келиши мумкинлиги, лекин бу гапларнинг мазмунидан уларнинг бири иккинчисига тобе эканлиги англашилиб туриши айтилган бўлса-да [6,10,11], бу боғловчиларнинг сатр бошида ҳам келиши мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Шундай бўлса ҳам *чунки* ва *шунинг учун* эргаштирувчи воситалари ҳақиқатан ҳозирги ўзбек адабий тилида шу вазифани бажариб келади. Шу жойда яна бир фикримизни билдириб кетмокчимиз: *шунинг учун* эргаштирувчи боғловчи воситаси юқоридаги адабиётларда боғловчи деб берилган бўлса-да, бу ёрдамчи икки кисмдан: *шу* (кўрсатиш олмоши) ва *учун* (кўмакчи) дан иборат бўлган, бир вазифани бажаришга мослашган сўз бирикмасидир. Шу сабабдан бу ёрдамчини боғловчи эмас, боғловчи вазифасидаги восита деб белгилашимиз маъқулроқ кўринади.

Сабаб боғловчилари қаторига киритилган бошқа боғловчиларни эса алоҳида кўриб чиқишимизга тўғри келади. Сабаб боғловчилари қаторига киритилган *наинки* шубҳа, ажабланиш, ишонмаслик каби маъноларни ифодаловчи юкламадир: *Наинки фашист фақат душмангина бўлса, наинки унинг бутун қилиш-қилмишларини минг йиллардан бери одам боласига маълум бўлган "душман " калимаси ифода қила олса.* (А.Қаххор.)

Юқорида айтиб ўтганимиздек, *токи* ёрдамчиси баъзи адабиётларда сабаб боғловчисига киритилса [6, 8, 9], бошқаларида мақсад боғловчиси деб алоҳида турга; бўлинган [11]. Қуйидаги мисолни таҳлил қилиб кўрайлик: *Етиштирилаётган маҳсулот шу ернинг ўзида қайта ишлаб чиқилсин, токи арзонгаровга хомашёни сотиш билан кифояланиб юрмайлик. (М.Ҳазратқулов). Етиштирилаётган маҳсулот шу ернинг ўзида қайта ишлаб чиқилсин, арзонгаровга хомашёни сотиш билан кифояланиб юрмайлик.* Бу икки мисолда ҳам мақсад маъноси ифодаланган. Агар мақсад маъноси бевосита *токи* сўзига хос бўлганида, у тушуриб қолдирилса, бу маъно ифодаланмаслиги керак эди. Демак, *токи* сўзи бошқа бирликлар билан ифодаланган мақсад маъносини таъкидлайди, таъкид ифодалаш эса юкламага хос хусусиятдир. Шунинг учун *токи* сўзини юкламалар қаторига киритиш тўғридир. *Зероки, негаки* каби сўзлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шу билан бирга, *токи* (*зероки, негаки* каби) ёрдамчисининг тобе боғланишда ўз вазифаси мавжуд, у тобеликни кучайтиришда хизмат қилади.

Демак, ўзбек тилига оид адабиётларда эргаштирувчи боғловчиларга киритилаётган аниқлов (яъни, -ки, -ким) ва сабаб (чунки, шунинг учун) боғловчилари ҳақиқатан ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида шундай вазифани бажарувчи воситалардир. Шарт ва чоғиштирув боғловчилари деб қаралаётган сўзлар ҳақида эса бошқачароқ фикр айтишга тўғри келади.

Шарт боғловчиларига *агар, гарчи, агарда, башарти, мабодо* каби сўзлар киритилади. Тўғри, бу сўзлар қўлланган гапларда шарт маъноси ифодаланади, лекин ҳозирги ўзбек тилида бу маъно бевосита шу сўзларга хос бўлмай, у бошқа бирликларга хос маъно бўлади. Масалан: *Агар шу ташкилотлар ҳам бош қўшадиган бўлса, дамба йигирма-йигирма беш кунлик иш* (А.Қаххор.) *Агарда унинг ёнида уста Олим бўлмаганда эди, эҳтимол у қай вақтларгача серрайиб қолар эди.* (А.Қодирий). Бу икки мисолда шарт маъноси бевосита *бўлса, бўлмаганда* шаклларига хос, шу шакллар ўзгартирилса, шарт маъноси ифодаланмайди. Аксинча, шарт маъноси бевосита *агар, агарда* сўзларига хос бўлмаганидан, улар тушириб қолдирилса ҳам шу маъно ифодаланаверади. Юқоридаги мисолларда *агар, агарда* ёрдамчилари шарт маъносини кучайтириш учун хизмат қилмоқда. Демак, *агар, агарда, башарти* каби сўзлар бошқа бирликлар билан ифодаланган шарт маъносини таъкидлайди, таъкид ифодалаш эса юкламага хос хусусиятдир. Бинобарин, *агар, башарти, мабодо* сўзларини юкламаларга киритиш тўғридир.

Демак, тарихан *агар, агарда, башарти* сўзлари аслида шарт боғловчиси бўлган. Шарт маъноси бошқа воситалар (масалан, феълнинг шарт формаси) орқали ифодаланадиган бўлгач, улар бу маънони таъкидловчи сўзга – боғловчидан юкла-

мага айланган. Масалан, *Агар кўнглунг тилар жоним олмоқ, Қароқчи кўзларингдан бир қиё боқ* (Отойи). Бу гапда шарт маъноси *агар* сўзи билан ифодаланаяпти ва у боғловчи вазифасини ҳам бажаряпти.

Чоғиштирув боғловчиларига *гуё, гуёки* киритилади. Бу сўзлар XX асргача бўлган манбаларда ҳам учрайди. Акбар Матғозиев буларни "ўхшатиш - қиёслаш боғловчилари" деб атайди.[12.189]

Ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан бу сўзлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, *гуё, гуёки* сўзлари ҳозирда ҳам қўлланади, ўхшатиш, чоғиштириш, киёслаш маъносида асосан **худди** ва **бошқа** бирликлар қўлланади. Иккинчидан, бу сўз гап бўлаклари ёки гапларни боғлаш учун хизмат қилмайди, балки ў*хшатиш,* қиёслаш маъноли конструкцияларда шу маънони таъкидлаш учун хизмат қилади, ўхшатиш, қиёслаш маъноси эса бошқа воситалар билан ифодаланади. Масалан, *Беда ораси жуда иссиқ, гўё қуёшнинг бутун олови беда ичига яширингандек* (Ойбек). *Най садосининг майин тулқин лари тип-тиниқ ҳавода ёйиларкан, гуё ҳаммаёқ жонланган каби туюлди.* (Ойбек). Бу мисолларда ўхшатиш, қиёслаш *-дек* аффикси ва *каби* сўзи билан ифодаланаяпти, гўё эса шу маънони таъкидлаяпти. Бинобарин, у таъкид юкламаси ҳисобланади. Демак, *гуё, гуёки* сўзлари асл боғловчи бўлган бўлса ҳам, ҳозирда юкламага айланган. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юкламага айланган ёрдамчиларнинг гипотаксисда ўз ўрни бор. Уларнинг тобе муносабатни шакллантиришда ишлатилиши тобеликни кучайтиради, икки компонентнинг ўртасидаги муносабатни янада зичроқ боғланишига кўмак беради. Демак, улар тобеланиш механизмининг элементларига айланган.

Маълум бўлдики, ҳозирги ўзбек тилига оид ишларда боғловчи деб берилаётган сўзларнинг анчагинаси боғловчи эмас. Уларнинг баъзилари аслида ҳам боғловчи бўлмаган, мустақил сўз ёки юклама бўлган. Масалан, *ҳам* сўзи аслида юклама бўлган, *агар, балки* сўзлари боғловчилардан юкламага айланган.

Юқоридаги мулоҳазаларни қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин:

Эргаштирувчи боғловчилар			
ЭБ турлари		Боғловчи воситалар	Юкламага ўтган ЭБлар
1	Аниқлов ЭБ	-ки	*-ким*
2	Сабаб ЭБ	Чунки, шунинг учун	*Зероки, токи, негаки, наинки*
3	Чоғиштириш ЭБ	-дек	*Гўё, гўёки*
4	Шарт ЭБ	-са	*Агар, агарда, башарти, мабодо*

Ўнг томонда ажратиб кўрсатилган, анъанавий тилшуносликда эргаштирувчи боғловчилар деб берилган ёрдамчилар ҳозирда юкламага ўтиб кетган. Чап томонда берилган *шунинг учун, -дек, -са* ёрдамчилари боғловчи вазифасидаги воситалардир.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланаётган *–ки* ёрдамчиси омонимик характерга эга, яъни таъкидловчи юклама вазифасини бажарувчи *-ки* ёрдамчиси билан эргаштирувчи юклама функциясини бажарувчи *-ки* бир хил шаклга келиб қолган.

Ким сўроқ олмошининг эргаштирувчи боғловчи вазифасини бажарувчига айланишида форс-тожик тилларидаги тобе гапли қўшма гап модели баракали таъсир қилган бўлиши мумкин, чунки ўзбек тили тарихида -ки ёрдамчиси билан параллел ҳолатда -ким ёрдамчиси эргаштирувчи боғловчи вазифасини бажариб келгани маълум. Ҳозир эса *-ким* шаклидаги эргаштирувчи боғловчи деярли қўлланмайди.

Демак, анъанавий тилшуносликда эргаштирувчи боғловчи деб берилган кўпгина ёрдамчилар ҳозирда бу вазифани бажармайди, уларнинг вазифасини бошқа ёрдамчилар бажара бошлаган. Худди шу нуқтаи назардан эргаштирувчи боғловчи воситаларни ўрганиш, уларнинг моҳиятини очиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Эргаштирувчи боғловчи воситаларнинг семантик-структур тадқиқи эса бу муаммоларни ойдинлаштиришда катта ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Остроумов Н. Этимология сартовского языка.- Т.,1910
2. Ғуломов Ё.Г. Ўзбек шеваларида форма ясовчи аффикслар. // Тилшунослик масалалари. Илмий асарлар , II қисм , 501-сон. – Т., 1975.
3. Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Биринчи китоб. Сарф. - Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр,1930.
4. Ҳозирги ўзбек адабий тили.Фахри Камол таҳрири остида. –Т.: Ўзб.ССР ФА, 1957.
5. Абдурахмонов Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Т.: Фан, 1990

6. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Фан, 1966.
7. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1985.
8. Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм.-Т.: Ўқитувчи,1980.
9. Мирзаев М. ва бошқалар. Ўзбек тили. –Т.: Ўқитувчи, 1970.
10. Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. –Т.: Фан, 1963.
11. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўқитувчи,1965.
12. Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси.-Т.: Фан,1977.

Андижон давлат университети,
2012 йил 12 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Собиров)